

## Фанга бириктириш маълумотларини шакллантириш

### Талабаларни фанларга бириктириш

Бутун ўқиш давомида талабаларнинг фанлардан ўзлаштиришларини қайд қилиб бориш учун ҳар бир семестрда талабаларни ўқув режанинг жорий семестрдаги фанларига бириктириб бориш зарур. Талабаларни фанларга бириктириш ҳар бир семестр бошланишидан олдин бир марта амалга оширилади.

Талабаларни фанларга бириктириш учун **O'quv Jarayoni / Fanga biriktirish** менюси танланади ва шундан сўнг талабаларни фанларига бириктириш ойнаси очилади (1-расм).

The screenshot shows the HEMIS OTM application interface. On the left, there is a vertical navigation menu with the following items: Xodimlar, Talabalar, Talaba harakati, O'quv jarayoni (which is expanded), O'quv reja, Semestrler, Fanlar bloklari, Fanga biriktirish (which is selected and highlighted in blue), Dars jadvali, Nazorat jadvali, and Imtihonlar ro'yxati. The main content area has a header 'Asosiy / Fanga biriktirish'. Below it, there is a section titled 'Guruhdagi talabalar' with dropdown menus for 'O'quv rejani tanlang', 'Semestrni tanlang', 'O'quv yilini tanlang', and 'Guruhni tanlang'. There are also buttons for 'Talaba' and 'Mutaxassislik'. A message 'Xech narsa topilmadi' is displayed. To the right, there is a table titled 'O'quv rejadagi fanlar' with columns 'Fanlar', 'Fan turi', and 'Guruha'. A message 'Xech narsa topilmadi' is shown in this table as well. At the bottom right of the main content area is a blue button labeled 'OK'.

1-расм. Талабаларни фанларга бириктириш ойнаси

Ушбу ойнанинг **Guruhdagi talabalar** қисмида жойлашган қуидаги майдонларга тегишли маълумотлар киритилади (2-расм), бунда:

- **O'quv rejani tanlang:** талабалар таҳсил олаётган мос ўқув режа танланади;
- **O'quv yilini tanlang:** талабалар таҳсил олаётган мос ўқув йили танланади;
- **Semestrni tanlang:** талабалар таҳсил олаётган мос ўқув семестри танланади;
- **Guruhni tanlang:** талабаларнинг мос академик гурухи танланади;

Келтирилган майдонларнинг тегишли маълумотлари киритилгандан сўнг ойнада танланган гуруҳдаги талабалар рўйхати ва ўқув режанинг танланган семестридаги фанлари рўйхати пайдо бўлади.

Талабалар рўйхатидан фанларга бириктирилиши керак бўлган талабалар танланади, бунинг учун талаба фамилияси олдидаги катакка танлаш белгиси қўйилади (2-расм).

Талабга қараб гуруҳдаги талабаларнинг барчасини биргаликда танлаш ёки айрим талабаларни алоҳида танлаб ҳам фанларга бириктириш мумкин. Талабаларнинг барчасини биргаликда танлаш учун **Talaba** номли талабалар рўйхати устуни сарлавҳаси олдидаги катакка танлаш белгиси ўрнатилади ва шундан сўнг рўйхатдаги барча талабалар танланади.

Ойнанинг **O‘quv rejadagi fanlar** қисмидан талабалар бириктирилиши керак бўлган фанлар танланади, бунинг учун фан номи олдидағи катақка танлаш белгиси қўйилади (2-расм). Талабга қараб, талабаларни барча фанларга биргаликда бириктириш ёки алоҳида фанларни танлаб ҳам бириктириш мумкин.

Талабалар учун мажбурий тоифадаги фанларнинг барчаси бириктирилиши зарур. Танлов тоифасидаги фанлар гурухидан эса исталган битта фан танланиши мумкин. Танлов фанлари гурухи алоҳида ранглар билан ажратилган. Тизим фақатгина танлов фанлар гурухидаги фанларнинг биттасини танлашга руҳсат беради.

Fanlar	Fan turi	Guruhda
O'zbek tili	Majburiy	
Rus tili	Majburiy	
Amaliy matematika	Majburiy	
Fizika	Majburiy	
C/C++ dasturlash	Majburiy	
<b>Falsafa</b>	Tanlov	T-1076
<b>Tarix</b>	Tanlov	T-1076

### 2-расм. Талабаларни фанларга бириктириш ойнаси

Ойнадаги барча ишлар бажариб бўлингандан сўнг **OK** кнопкасини босиши орқали танланган талабалар танланган фанларга бириктирилади ва ойнанинг **Fanga ro'yxatdan o'tkazilgan talabalar** қисмida тегишли маълумотлар пайдо бўлади (3-расм).

#	Talaba	Fanlar	O'quv yili	Semestr	Guruh
1	SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVNA	Tarix	2021-2022	1-semestr	365-MB
2	SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVNA	Amaliy matematika	2021-2022	1-semestr	365-MB
3	SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVNA	O'zbek tili	2021-2022	1-semestr	365-MB

### 3-расм. Талаба фанларга бириктирилганлик холати

Бунда **Fanlarni tanlang** филтри ёрдамида танланган фанлар кесимида унга бириктирилган талабалар рўйхатини кўриш мумкин.

### **Бириктирилган фанни ўчириш**

Агар талаба фанга нотўғри бириктирилган ҳолатлар аниқланадиган бўлса у ҳолда талаба фанларга бириктирилганлик холати ойнасида келтирилган фанга бириктирилган талабалар рўйхатининг охириги устунида келтирилган **O‘chirish** (корзина) белгисини босиш орқали тегишли талабанинг фанга бириктирилган маълумотини ўчириш мумкин. Шундан сўнг зарурат бўладиган бўлса худди юқорида келтирилган тартибда талабани қайтадан бошқа фанга бириктириш мумкин.

**Муҳим!** Талабаларнинг фанларга бириктириш маълумотларидан дарс жадвалини тузишда ҳамда фанларнинг ўқув ресурслари ва топшириқларини шакллантиришда фойдаланилади. Агар ушбу маълумотлар шакллантирилиб бўлинган бўлса у ҳолда талабанинг фанларга бириктириш маълумотларини ўзгартириш ёки ўчириш тақиқланади.